



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 28 сентябрь, № 211 (8273)

Чоршанба

Сайтимизга ўтин учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АРХИТЕКТУРА ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

27 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот ўтказилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик қўлами ошди, қурилишда мураккаб технологик ечимлар қўлланилмоқда, лекин соҳа бўйича таълим ва илм бундан анча ортида қолмоқда. Институтлардаги ўқув дастурлари эскирган. Ўқитиладиган фанлар сони чет элдагидан ҳам кўп, бироқ сифати ундай эмас. Таълим жараёнига амалиётчи мутахассислар етарли даражада жалб этилмаган. Замонавий фикрлайдиган инженер-конструкторлар етишмаяпти.

Шу йил 6 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, соҳадagi олий таълим муассасаларини трансформация қилиш зарурлигини айтган эди.

Тақдимотда Тошкент ҳамда Самарқанддаги архитектура институтларининг ўқув дастурларини ислоҳ қилиб, таълим сифатини халқаро даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Мутасаддилар мазкур институтларнинг ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш, янги факультетлар ташкил этиш, таълим ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштириш, илмий фаолиятини такомиллаштириш режаларини баён қилди.

Президент бу тақлифларни маъқуллаб, устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди. Аввало, бакалавр йўналишлари сонини қайта кўриб чиқиб, фанларни замонавий шахарсозлик ва технологияларга мослаштириш зарурлиги таъкидланди. Ўқитувчилар учун малака талаблари ва битирувчиларнинг компетенцияларини ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Институтларга хорижий тажрибага эга малакали мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, маҳаллий профессор-ўқитувчиларни чет элга илмий стажировкага юбориш муҳимлиги қайд этилди. Бу борада Тошкент архитектура-қурилиш институти Истанбул техника университети билан, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Йилдиз техника университети билан таълим ҳамкорлигини йўлга қўяди.

Таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир кафедрага ишлаб чиқарувчи корхоналарни бириктириш, институтлар ҳузурида технопарк ва инкубация маркази ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Уларда энергиятежамкор қурилиш материаллари яратиш, етакчи компаниялар билан маҳорат дарслари ва амалий тренинглар ўтказиш, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш мумкин бўлади.

Шунингдек, илғор муҳандислик билимлари асосида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлайдиган Олий илм-фан мактаби ташкил этилиши белгиланди.

Институтлар ҳузуридаги академик лицейларни ҳам такомиллаштириб, “А-level” даражасидаги ўқув дастури ва методикасини жорий этиш зарурлиги қайд этилди.

Ў.А.



ВАЗИРЛИКЛАРДА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНЯПТИМИ?

Кеча Олий Мажлис Сенати Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларининг Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият вазириликларидagi ижроси муҳокама қилинди.

Сенат қўмитасида

Таъкидланганидек, вазирликларда очиқлик даражасини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, ўтган вақт мобайнида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз фаолияти очиқлигини таъминлашга йўналтирилган 8 та матбуот анжумани, 7 та пресс-тур, 2 та брифинг ўтказган. ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқларда вазирлик фаолияти бўйича

эълон қилинган 246 та танқидий материалнинг барчасига тезкорлик билан муносабат белдирилган. Маданият вазирлиги эса ўз расмий веб-сайтида ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларни ва Очиқ маълумотлар портали (data.egov.uz)да эълон қилиниши зарур бўлган маълумотларни белгиланган муддатларда жойлаштирган.



Ўзбекистон Республикасининг 2021-2022 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги ҳамда Самарқанд саммити яқунлари бўйича Халқ дипломатияси маркази томонидан “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида маданий-гуманитар ҳамкорлик векторлари” мавзuida халқаро конференция ўтказилиши режалаштирилган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти:

МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Конференция шу йил 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги “City Palace Tashkent” меҳмонхонасининг анжуманлар залида парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар

ва ОАВ вакиллари иштирокида бўлиб ўтади.

Анжуманда ташкилот доирасида маданий-гуманитар соҳаларда қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувлар таҳлили, халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланган ҳолда ШХТ



ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР САММИТ ЯКУНЛАРИНИ САРҲИСОБ ҚИЛАДИ

Шу йил 29 сентябрь куни Тошкент шаҳрида гибрид форматда “ШХТ Самарқанд саммити: минтақавий ва халқаро хавфсизлик, барқарор ривожланишга қўшилган ҳисса” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтади. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Марказий Осиё халқаро институти билан ҳамкорликда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси кўмағида ташкил этилмоқда.

Унда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, шунингдек, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Франция, Венгрия каби мамлакатлардан эксперт ва таҳлилий доиралар вакиллари қатнашиши кутилмоқда.

Анжуман кун тартибидан Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити яқунлари, ташкилот доирасида хавфсизликни таъминлаш, савдо-иқтисо-

дий алоқаларни фаоллаштириш, транспорт-логистика тизимида ўзаро боғлиқликни кучайтириш, маданий-гуманитар муносабатларни мустақамлаш каби масалалар ўрин олган.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқida билдирган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлик ташаббуси-

га алоҳида эътибор қаратилади. Экспертлар мазкур ташаббуснинг моҳияти, аҳамияти юзасидан атрофлича фикр алмашади. Бундан ташқари, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан имзоланган концептуал ҳужжатлар батафсил кўриб чиқилади.

Ишонамизки, халқаро конференция ШХТнинг Самарқанд саммити натижаларини

ҳар томонлама баҳолаш, аъзо давлатлар ўртасида турли соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболини белгилаш имконини беради.

Эслатиб ўтамиз, шу йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда ШХТ саммити бўлиб ўтди. 14 давлат етакчиси, 10 халқаро ташкилот раҳбари иштирок этган тадбирда аксарияти стратегик аҳамиятга эга 44 ҳужжат имзоланди. Ўшбу битимлар ташкилотга аъзо давлатларнинг қисқа ва ўрта муددатли истиқболдаги кўп томонлама ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгилаб берди.

«Халқ сўзи».

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

МИЛЛАТ МУАЛЛИМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда мактабга, муаллимга чексиз эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Муаллим асрий мажбурий меҳнатдан озод бўлди. Пахта ва ҳашар деган азовбардан кутулди. Уларнинг маоши бир-неча баробар оширилди. Жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеи тикланди. Қадри ва қадди кўтарилди.

Хусусан, 2016 йилдан кейин кўплаб мактаблар бунёд этилди ва таъмирланди. Бутунлай янги — Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари ташкил этилди. Бу, албатта, Президент ва давлат ғамхўрлигидир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамият ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари қизгин ва батафсил кўриб чиқилди. Муҳокамаларда асосий эътибор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгаллиги ҳамда унинг зарурати ва аҳамиятига қаратилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилмоқда

Мажлисда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”-

ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат парламент кўйи палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, ундаги айрим нормалар юзасидан асосли саволлар кўтарилган ва қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш зарурати борлиги учун халқ вакиллари уни масъул қўмида қайта-

ришни мақсадга мувофиқ, деб топишганди.

Ўтган қисқа вақт ичида масъул қўмида томонидан қонун лойиҳасини пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, сиёсий партия фракциялари томонидан берилган тақлиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳаси маромига етказилди.

Жумладан, гендер аудитини ўтқа-

зиш учун тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар жамоатчилик асосида жалб қилиниши мумкинлиги баён этилди. Гендер аудитини ўтказиш тартиб-таомиллари соддалаштирилган ҳолда, бу аудит натижаларини кўриб чиқиш асослари такомиллаштирилди.

Шунингдек, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг ваколатлари қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқ янги тахрирда ифодаланди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Миллий гвардия органлари ходимлари қўшимча равишда 13 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқади

Депутатлар “Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги

қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида ички ишлар органларининг масъулиятини ошириш, уларнинг хизмат самарадорлигини кучайтириш мақсадида ички ишлар бўлимлари (бошқармалари)нинг бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарларига қўшимча равишда 8 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш, профилактика инспекторларига қўшимча равишда 9 турдаги, патруль-пост хизмати ходимларига 8 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштириш, Миллий гвардия органлари ходимларига қўшимча равишда 13 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ҳамда 4 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштириш ваколати берилиши назарда тутилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот муассасалари тасарруфидаги таянч докторантура ва докторантурага 2023 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

■ физика-математика ва техника;

■ табиий фанлар;

■ ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумот ва талаблар билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

Хужжатлар 2022 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.

Таянч докторантурага кириш имтихонлари ва докторантура учун суҳбат 2022 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари оралиғида бўлиб ўтади.

Таянч докторантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтихон топширади:

1. Чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил);

2. Мутахассислик.

Таянч докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

■ олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунча олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

■ муайян илмий натижаларга, шу жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган **камида битта илмий мақола** ва илмий-амалий конференцияларда тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган **иккита маъруза-тезисга** эга бўлиш;

■ хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;

■ замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

Докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

■ фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

■ фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган бошқа **илмий даражалар олингандан сўнг** муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган **камида учта илмий мақолага** ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида **камида иккита тезисга** эга бўлиш.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланади.

Қўшимча маълумот ва қабул квоталарини www.academy.uz сайтидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 71-233-59-46, 71-236-77-07.

Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорига мувофиқ, 2023 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка 08.00.07 — “Молия, пул муомаласи ва кредит” ҳамда 08.00.08 — “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисосликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Таянч докторантурага (PhD)

талабгорлар учун керакли хужжатлар:

● ариза;

● қисқача биографик маълумотнома;

● меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартиб-да тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

● олий таълим муассасаси магистратура, ба-калавриат дипломлари ва уларнинг иловалари, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғри-сидаги диплом нусхаси ва иловаси;

● нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Докторантурага (DSc)

талабгорлар учун керакли хужжатлар:

● ариза;

● қисқача биографик маълумотнома;

● меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартиб-да тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

● олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

● нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шу-нингдек, уларнинг нусхалари (фан доктори ил-мий даражасини олиш учун диссертация тадқи-қоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган ил-мий журналларда чоп этилган камида учта ил-мий мақола ҳамда илмий-амалий конференция-лар, семинарлар ва тегишли илмий йўналиш-лар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезис);

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка:

● қисқача биографик маълумотнома;

● олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

● меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартиб-да тасдиқланган нусхаси;

● илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;

● фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёҳуд хорижда олинган унга тенг-лаштирилган бошқа илмий даражалар дипло-ми нусхаси;

● иш жойидан тавсифнома.

Хужжатлар 2022 йилнинг 15 октябригача бўлган даврда қабул қилинади.

Қўшимча маълумот олиш учун Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институтининг илмий-тадқиқотлар бўлимига (манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 3-уй) мурожаат этиш мумкин. Телефон: 93-598-66-58.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

2023 йил учун таянч докторантура — фалсафа доктори (PhD), докторантура (DSc) ҳамда мустақил-изланувчиликка 17.00.02 — Мусиқа санъати ихтисослиги бўйича қабул эълон қилади.

Таянч докторантура — фалсафа докто-ри (PhD) (3 ўрин), докторантура (DSc) (1 ўрин) ҳамда мустақил-изланувчиликка талабгорлар қуйидаги хужжатларни тақ-дим этади:

□ ариза;

□ қисқача биографик маълумотнома;

□ меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартиб-да тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

Хужжатлар 2022 йилнинг 15 октябрига қадар қабул қилинади.

ДИККАТ: талабгорлар талаб қилинадиган хужжат-ларни phd.mininnovation.uz электрон манзили орқали юборишлари керак.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Б. Зокиров кўчаси, 1-уй. Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. Телефонлар: 71-244-94-50; 71-244-95-09.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

1. Амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси — кафедра мудир;

2. Ахборот хавфсизлиги кафедраси — кафедра мудир;

3. Ҳисоблаш математикаси ва ахборот тизимлари кафедраси — кафедра мудир.

БИОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Биокимё кафедраси — кафедра мудир;

2. Биофизика кафедраси — кафедра мудир;

3. Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси — кафедра мудир;

4. Генетика кафедраси — кафедра мудир;

5. Зоология кафедраси — кафедра мудир;

6. Микробиология ва биотехнология кафедраси — кафедра мудир;

7. Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси — кафедра мудир;

8. Тупроқшунослик кафедраси — кафедра мудир.

ГЕОГРАФИЯ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

1. Геодезия ва геоинформатика кафедраси — кафедра мудир;

2. Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси — кафедра мудир;

3. Картография кафедраси — кафедра мудир;

4. Табиий география кафедраси — кафедра мудир.

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОИНФОРМАЦИОН ТИЗИМЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

1. Геодинамика ва тектоника кафедраси — кафедра мудир;

2. Геохимё ва минералогия кафедраси — кафедра мудир;

3. Геология кафедраси — кафедра мудир;

4. Геофизикавий тадқиқот усуллари кафедраси — кафедра мудир;

5. Гидрогеология кафедраси — кафедра мудир.

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги кафедраси — кафедра мудир;

2. Метеорология ва иқлимшунослик кафедраси — кафедра мудир;

3. Қуруқлик гидрологияси кафедраси — кафедра мудир.

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Журналистика кафедраси — кафедра мудир;

2. Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси — кафедра мудир;

3. Ўзбек тилшунослиги кафедраси — кафедра мудир.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

1. Ижтимоий психология кафедраси — кафедра мудир;

2. Педагогика ва умумий психология кафедраси — кафедра мудир;

3. Социология кафедраси — кафедра мудир;

4. Умумий психология кафедраси — кафедра мудир;

5. Фалсафа ва мантиқ кафедраси — кафедра мудир;

6. Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси — кафедра мудир;

7. Фуқаролик жаҳияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси — кафедра мудир.

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Иқтисодиёт назарияси кафедраси — кафедра мудир;

2. Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент кафедраси — кафедра мудир;

3. Эконометрика ва иқтисодий моделлаштириш кафедраси — кафедра мудир.

КИМЁ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Аналитик кимё кафедраси — кафедра мудир;

2. Органик кимё кафедраси — кафедра мудир;

3. Органик синтез ва амалий кимё кафедраси — кафедра мудир;

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ КАФЕДРАСИ

4. Полимерлар кимёси кафедраси — кафедра мудир;

5. Табиий бирикмалар кимёси кафедраси — кафедра мудир;

6. Умумий ва нефть-газ кимёси кафедраси — кафедра мудир;

МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Алгебра ва функционал анализ кафедраси — кафедра мудир;

2. Геометрия ва топология кафедраси — кафедра мудир;

3. Дифференциал тенгламалар ва математик физика кафедраси — кафедра мудир.

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Антропология ва этнология кафедраси — кафедра мудир;

2. Археология кафедраси — кафедра мудир;

3. Жаҳон тарихи кафедраси — кафедра мудир;

4. Манбашунослик ва архившунослик кафедраси — кафедра мудир;

5. Ўзбекистон тарихи кафедраси — кафедра мудир;

6. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси — кафедра мудир.

ТАЭКВОНДО ВА СПОРТ ФАОЛИЯТИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси — кафедра мудир;

2. Спорт менежменти кафедраси — кафедра мудир;

3. Таэквондо ва спорт кафедраси — кафедра мудир.

ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Астрономия ва атмосфера физикаси кафедраси — кафедра мудир;

2. Умумий физика кафедраси — кафедра мудир;

3. Фотоника кафедраси — кафедра мудир;

4. Яримўтказгичлар ва полимерлар физикаси кафедраси — кафедра мудир;

5. Ядрофизикаси кафедраси — кафедра мудир.

ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Амалий инглиз тили ва адабиётшунослиги кафедраси — кафедра мудир;

2. Инглиз тилшунослиги кафедраси — кафедра мудир;

3. Немис филологияси кафедраси — кафедра мудир;

4. Рус тилшунослиги кафедраси — кафедра мудир;

5. Факультетлараро рус тили кафедраси — кафедра мудир;

6. Факультетлараро инглиз тили кафедраси — кафедра мудир;

7. Хорижий тил ва адабиёти кафедраси — кафедра мудир.

ЭКОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Экологик мониторинг кафедраси — кафедра мудир;

2. Экология кафедраси — кафедра мудир.

Танловда қатнашадиган номзодлар қуйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Университет ректори номига ариза;

2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (маълумотнома);

3. Олий маълумоти тўғрисидаги дипломлар нусхаси;

4. Илмий унвони тўғрисидаги дипломлар нусхаси;

5. Илмий ишлари рўйхати (сўнгги 3 йил);

6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

7. Камида “В2” даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификат нусхаси (*хорижий филология факультети кафедралари мудирлигига талабгорлар учун*).

Хужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУнинг ходимлар бўлими. Тел.: 71-246-03-92.

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудир

лавозимига

● Гидрогеология ва муҳан-дискли геологияси кафедраси;

● Нефть-газ геологияси кафедраси;

● Иқтисодий геология кафе-драси;

● Аниқ ва табиий фанлар кафедраси.

Профессор лавозимига

● Умумий геология кафедраси;

● Фойдали қазилма конлари геологияси кафедраси.

Доцент лавозимига

● Аниқ ва табиий фанлар кафедраси.

Катта ўқитувчи лавозимига

● Аниқ ва табиий фанлар кафедраси.

Тўлиқ маълумотлар университет сайтида (uzgeouniver.uz) келтирилган.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Геология фанлари университетининг (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси, 64-уй) ходимлар бўлимига мурожаат этишлари мумкин.

Танловга хужжат қабул қилиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

